

“РЎЙХАТДАН ОЛИНГАН”

Тошкент шаҳар Чилонзор тумани
Давлат хизматлари Маркази
томонидан
2023 йил “2” ноябрь
2034079 -сон
реестр рақами билан

“ТАСДИҚЛАНГАН”

“Issiqlik elektr stansiyalari” AJ
Барча овоз берувчи акциялари эгаси-
Ягона акциядорининг 2023 йил
1 ноябрдаги 7-сон
қарори билан



«ISSIQLIK ELEKTR STANSIYALARI» aksiyadorlik jamiyati УСТАВИ (янги тахрирда)

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ушбу Устав Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Қимматли қоғозлар бозори тўғрисида”ги, “Электр энергетикаси тўғрисида”ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ишлаб чиқилган.

1.2. «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти (кейинги уринларда “Жамият” деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПК-4249-сонли “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги қарори асосида ташкил этилган.

1.3. Жамиятнинг фирма номи:

1.3.1. Ўзбек тилида:

тўлиқ номи: “Issiqlik elektr stansiyalari” aksiyadorlik jamiyati (лотин алифбосида), «Иссиқлик электр станциялари» акциядорлик жамияти (кирилл алифбосида).

қисқартирилган номи: “Issiqlik elektr stansiyalari” АЖ (лотин алифбосида), «Иссиқлик электр станциялари» АЖ (кирилл алифбосида).

1.3.2. Рус тилида:

тўлиқ номи: Акционерное общество «Тепловые электрические станции».

қисқартирилган номи: АО «Тепловые электрические станции».

1.3.3. Инглиз тилида:

тўлиқ номи: Joint Stock Company «Thermal power plants».

қисқартирилган номи: JSC «Thermal power plants».

1.4. Жамиятнинг почта манзили ва жойлашган жойи: 100097, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 23.

1.5. Жамиятнинг электрон почта манзили: info@tpp.uz

1.6. Жамиятнинг расмий веб-сайти: www.tpp.uz

1.7. Жамият Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 мартдаги ПК-4249-сон “Ўзбекистон Республикасида электр энергетика тармоғини янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Қарорига асосан “Ўзбекэнерго” акциядорлик жамиятининг иссиқлик электр станциялари ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларини бошқарувчи бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.

1.8. Жамият қуйидаги ташкилотларнинг барча ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворисидир: “Тахياتош ИЭС” АЖ, “Навоий ИЭС” АЖ, “Муборак ИЭМ” АЖ, “Сирдарё ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭС” АЖ, “Тошкент ИЭМ” АЖ, “Фарғона ИЭМ” АЖ ва “Тўрақўрғон ИЭС куриш дирекцияси” УК.

1.9. Жамият бошқа давлатлар, халқаро институтлар ва ташкилотлар билан электр энергетикаси масалалари борасида қонунчиликда белгиланган тартибда ҳамкорлик қилади.

1.10. Жамият ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, Қарорлари ва Фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва Фармойишларига, умум мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларга, шунингдек ушбу Уставга амал қилади.

1.11. Жамият юридик шахс бўлиб, у ўз мустақил балансида ҳисобга олинган алоҳида мол-мулкка, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкӣ ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

1.12. Жамият давлат руйхатидан ўтказилган пайдан эътиборан юридик шахс мақомига эга бўлади. Жамият фаолият кўрсатиш муддати чекланмаган ҳолда ташкил этилади.

1.13. Жамият Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида банк ҳисобварақлари очишга ҳақлидир.

1.14. Жамият ўзининг номи ёзилган штамп ва бланкаларга, ўз тимсолига, шунингдек белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган товар белгисига ҳамда фуқаролик муомаласи иштирокчиларининг, товарларнинг, ишларнинг ва хизматларнинг хусусий аломатларини акс эттирувчи бошқа воситаларга эга бўлишга ҳақли.

1.15. Жамият ўз мажбуриятлари юзасидан узига тегишли барча мол-мулк билан жавобгар бўлади.

1.16. Акциядорлар жамиятнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади.

1.17. Жамият ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.

1.18. Жамият барча акциядорларига нисбатан уларнинг улушлари, даромадлар даражаси,

жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахси ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар тенг муносабатни таъминлайди.

II. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИНГ МАҚСАДИ, ВАКОЛАТИ, АСОСИЙ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

2.1. Жамият электр энергетикаси соҳасидаги ўз фаолияти давомида таркибига кирувчи акциядорлик жамиятлари, ташкилотлари, корхоналари ва филиалларини услубий бошқаради ва уларнинг ишларини мувофиқлаштиради.

2.2. Жамият фаолиятининг мақсадлари:

- республика иқтисодиёти ва аҳолисининг эҳтиёжларини каноатлантирилишини таъминлаш мақсадида, мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш ҳисобига, балансда белгиланган миқдорда электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилинишини таъминлайди;
- электр энергиясини ҳосил қилувчи иссиқлик электр станциялари қувватларини ривожлантириш дастурларини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;
- иссиқлик электр станциялари ва уларга хизмат қилувчи корхоналарни бошқаради;
- электр ва иссиқлик энергетикаси соҳасидаги норматив ҳужжатларни ишлаб чиқишда иштирок этади;
- электр ва иссиқлик энергияларини ҳосил қилиш ва уларнинг истеъмоли балансини шакллантиришда иштирок этади, ҳамда электр ва иссиқлик энергиялари тарифлари юзасидан таклифлар киритади;
- иссиқлик электр станцияларида энергия ҳосил қилувчи қувватларни ва электр ва иссиқлик тармоқларини реконструкция қилиш, модернизациялаш, ривожлантириш тадбирларини амалга оширади;
- иссиқлик электр станциялари корхоналари фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- иссиқлик электр станциялари ва хизмат кўрсатувчи корхоналарда электр энергияси ва ёқилги-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирларининг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этади;
- электр ва иссиқлик энергетикаси соҳасидаги синов лабораторияларининг ишларини ташкил этади;
- электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи корхоналардаги илмий тадқиқот, созлаш, таъмирлаш ва муҳандислик-лойиха ишларини мувофиқлаштиради;
- корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш ва хавфсизлик техникасига доир ишларни мувофиқлаштирилишини амалга оширади;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга ошириши мумкин.

2.3. Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва вазифалари куйидагилардан иборат:

- республика иқтисодиёти ва аҳолисини электр ва иссиқлик энергияси билан барқарор таъминлаш;
- электр ва иссиқлик энергияси ҳосил қилувчи корхоналарни ривожлантиришнинг қисқа муддатли ва узоқ муддатли истиқболларини, ҳамда мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш;
- электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш балансларини шакллантиришда қатнашиш;
- ишлаб чиқарувчи қувватларни замонавий асбоб-ускуналар ва илғор технологиялар асосида, шу жумладан хорижий инвестициялар ҳисобига, реконструкция қилиш, замонавийлаштириш, техника билан қайта жиҳозлаш ва янада ривожлантириш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ишлаб чиқаришда мавжуд қувватлардан унумли фойдаланиш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарда тегишли ташкилотлар билан биргаликда энергиядан оқилона фойдаланиш ва исрофларини камайтириш чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқилиши ва амалга оширилишини ташкил этиш;
- маркетинг тадқиқотларини ташкил этиш, соҳа корхоналарига ички ва ташқи эҳтиёж учун рақобатбардош бўлган маҳсулот турлари ишлаб чиқаришни ўзлаштиришда, уларни жаҳон бозорларига чиқаришда кўмак бериш;
- электр ва иссиқлик энергиясини ҳосил қилувчи корхоналарда ишлаш ва хизмат кўрсатиш учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш;
- хорижий корхона ва компаниялар билан иқтисодий, техникавий, технологик ва инвестицион ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш;
- республика ва дунё бозори конъюктурасини ўрганиш негизида иссиқлик электр станцияларини модернизациясига ва кенгайтирилишига инвестицияларни жалб этиш;
- жамият фаолиятида ва тизимдаги корхоналарда янги технологияларни ва менежментнинг илғор усулларини жорий этиш;

- бошқарув тизимига ва энергияни хосил қилиш ва сотиш бўйича хўжалик алоқаларига бозор тамойиллари ва механизмларини жорий этиш;

- энергия хосил қилиш қувватларнинг ўзаро боғланган ва мувозанатлаштирилган тарзда жамиятнинг ривожланиши дастурларини ишлаб чиқиш;

- жамиятга тегишли бўлган мулкни ва акцияларнинг давлат пакетларини самарали бошқаришни таъминлаш;

2.4. Қўйилган вазифаларни бажариш учун Жамият қуйидаги функцияларни амалга оширилишини таъминлайди:

• унга берилган ҳуқуқлар чегарасида масалаларни комплекс ҳал қилиш ва тасарруфидаги корхоналарни бошқариш;

• иссиқлик электр станцияларининг ҳамда электр ва иссиқлик энергияси ишлаб чиқарувчи электр марказларининг ривожлантириш концепциясини ва миллий дастурларини ишлаб чиқишда қатнашиш;

• иссиқлик электр станцияларида эксплуатация фаолиятини, қурилиш-монтаж ишларини, лойиҳа-қидирув ишлари ва илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш;

• иссиқлик электр станцияларининг уйғун ишлашини кечаю-кундуз оператив бошқариш;

• иссиқлик электр станциялари қайта техник жихозлаш ва реконструкция қилиш, ускуналарни замонавийлаштириш йўли билан асосий ишлаб чиқариш фондларини янгилаш;

• белгиланган тартибда иссиқлик электр станцияларини қуришда пудратчи вазифаларини бажариш, шунингдек ўз тасарруфидаги объектларни ва Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг буюртмаси бўйича объектларни лойиҳалаш ва қуришда буюртмачи вазифасини бажариш;

• электр ва иссиқлик энергиясини ва бошқа махсулотларни (иш, хизматларни) ишлаб чиқариш ва сотиш;

• ишлаб чиқариш дастурлари ўзгарганда, бозорлар диверсификациясида ва инвестиция сиёсатини ўтказишда хизмат кўрсатиш;

• қонунчиликда белгиланган тартибда акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни алмаштириш, сотиб олиш ва сотиш бўйича битимларни амалга ошириш;

• акцияларнинг давлат улушига эга бўлган акциядорлик жамиятларида акцияларнинг давлат пакетларини бошқаришда давлат органларининг ишончли шахси сифатида чиқиш;

• ишлаб чиқариш, тижорат ва илмий-техник фаолиятига маблағларни инвестициялаш;

• Жамият корхоналари ишлаб чиқариш дастурларининг ўзаро мувозанатини, бозор конъюктурасини урганиш ва таҳлил қилиш, маркетинг ва консалтинг фаолиятини амалга ошириш;

• Жамият иштирокчилари меҳнат жамоаларининг илмий-техник ишланмалари, ишлаб чиқариш экологияси ва ижтимоий ривожланиши соҳаларидаги стратегия ва тактикани шакллантириш;

• Жамиятнинг ишлаб чиқариш ва хизмат харажатларини камайтириш, молия-хўжалик фаолияти рентабеллигини ошириш;

• электр ва иссиқлик энергиясини узатиш (етказиб бериш) ва сотишда замонавий ҳисоблаш тизимига асосланган ўзаро ҳисоб-китоб тизимларини жорий этиш;

• янги ишлаб чиқариш, товар, инжиниринг, молия-кредит ташкилий тузилмаларини ва уларнинг бирикмаларини шакллантириш;

• иссиқлик электр станциялари учун кадрларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил қилиш;

• иссиқлик электр станциялари ходимларини ижтимоий ҳимоя қилиш ва корхоналарда меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ишларни ташкил этиш;

• Ўз филиалларини ташкил этиш ва ваколатхоналарини очиш;

• Жамиятнинг шўба ва тобе корхоналарини барпо этиш;

• ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш;

• янги халқаро иқтисодий алоқаларни ташкил қилиш.

2.5. Кўрсатиб ўтилганлар билан бир қаторда Жамият қуйидагиларни ҳам амалга ошириши мумкин:

• юридик ва жисмоний шахсларга консалтинг, техник хизмат кўрсатиш, қурилиш, ахборот, лизинг ва маркетинг хизматларини кўрсатиш;

• франчайзинг фаолиятини амалга ошириш;

• савдо кўرғазмалари ва ярмаркаларида қатнашиш ва уларни уюштириш;

• «ноу-хау» патентларини ва рационализаторлик таклифларини сотиб олиш ва сотишни амалга ошириш.

2.6. Жамият Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турларини ҳам амалга оширишга ҳақлидир. Махсус руҳсатнома (лицензия) олишни талаб

қиладиган фаолият турлари билан Жамият шундай лицензия олганидан кейин шуғулланиши мумкин.

2.7. Агар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида бошқача назарда тутилмаган ҳоллар бўлса Жамият қуйидагиларга ҳақли эмас:

- асосий фаолиятига хос бўлмаган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки қуриш;
- рақобат ривожланган соҳада асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш;
- асосий фаолиятига хос бўлмаган хўжалик жамиятлари устав капиталида иштирок этиш ёки ундаги улушни сотиб олиш.

III. ЖАМИЯТНИНГ УСТАВ КАПИТАЛИ, УНИ ОШИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ ТАРТИБИ

Жамиятнинг устав капиталининг (устав фондининг) миқдори

3.1. Жамиятнинг устав капитали (устав фонди) акциядорлар олган Жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади ва Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида ифодаланади. Жамият томонидан чиқарилган барча акцияларнинг номинал қиймати бир хилдир.

3.2. Жамият акцияларининг номинал қиймати 100 (бир юз) сўм.

3.3. Жамиятнинг Устав капитали номинал қиймати 100 сўм бўлган жами **133 104 999 259** дона, жумладан **133 086 403 059** дона оддий ва **18 596 200** дона имтиёзли акциялардан иборат бўлган **13 310 499 925 900** (ўн уч триллион уч юз ўн миллиард тўрт юз тўқсон тўққиз миллион тўққиз юз йигирма беш минг тўққиз юз) сўмни ташкил қилади.

Жамиятнинг устав капиталини кўпайтириш

3.4. Жамиятнинг устав капитали кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтирилиши мумкин.

3.5. Кўшимча акциялар Жамият томонидан ушбу уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасидагина жойлаштирилиши мумкин.

3.6. Жамият устав капиталини ошириш мақсадида жойлаштирилган акцияларига кўшимча равишда чиқариши мумкин бўлган эълон қилинган акциялари миқдори - номинал қиймати 100 (юз) сўм бўлган **199 345 568 591 (бир юз тўқсон тўққиз миллиард уч юз қирқ беш миллион беш юз олтмиш саккиз минг беш юз тўқсон бир)** дона оддий ва 20 000 000 (йигирма миллион) дона имтиёзли эгаси ёзилган акциялардан иборат.

3.7. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарор акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.8. Кўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан Жамият устав капиталини кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган кўшимча оддий ва имтиёзли акцияларнинг умумий қиймати, сони, номинал қиймати, жойлаштириш тартиби, усули, муддати, жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархи, акциялар учун тўлов тартиби, амалга ошмаган деб топиш улуши ва амалга ошмаган деб топилган тақдирда акциялар учун қабул қилинган тўлов воситаларини қайтариш тартиби белгиланади.

3.9. Жамиятнинг устав капитали кўпайтирилаётганда жамиятнинг кўшимча акцияларига унинг ўз капитали ҳисобидан, шунингдек, ҳақини кўшимча акциялар билан тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган дивидендлар ҳисобидан ҳақ тўланган тақдирда, бундай акцияларни жойлаштириш жамият акцияларининг номинал қиймати бўйича амалга оширилади.

3.10. Жамиятнинг устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан кўпайтиришда кўшимча акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Жамиятнинг устав капиталини кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, Жамиятнинг устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

3.11. Жамиятнинг акцияларига ҳақ тўлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Жамиятнинг устав капиталини камайтириш

3.12. Жамиятнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки акцияларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларнинг бир қисмини кейинчалик бекор қилган ҳолда Жамият томонидан акцияларни олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

3.13. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисидаги ва Жамият уставига тегишли ўзгартишлар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

3.14. Жамиятнинг устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қилинаётганда Жамият акциядорлар умумий йиғилиши устав капиталини камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

IV. ЖАМИЯТНИНГ КОРПОРАТИВ ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРИ

4.1. Жамият корпоратив облигацияларни ва бошқа қимматли қоғозларни чиқаришга ҳамда жойлаштиришга ҳақли.

4.2. Жамиятнинг корпоратив облигациялари Жамият акцияларига айирбошланадиган қимматли қоғозлар бўлиши мумкин.

4.3. Жамият томонидан корпоратив облигацияларни чиқариш, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигацияларни чиқариш Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра амалга оширилади.

4.4. Жамият томонидан Жамият кузатув кенгашининг қарорига кўра акцияларга айирбошланадиган корпоратив облигациялар чиқарилган тақдирда, мазкур қарор Жамият Кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши керак.

V. ЖАМИЯТ ФОЙДАСИНИ (ЗАРАРИНИ) ТАҚСИМЛАШ ВА ДИВИДЕНД ҲИСОБЛАШ ТАРТИБИ

5.1. Амалдаги қонунчиликка асосан бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлаганидан сўнг Жамият ихтиёрида қоладиган соф фойда, шунингдек ўтган даврлардаги тақсимланмаган соф фойда акциядорлар умумий йиғилиши томонидан тақсимланади,

5.2. Жамият зарарини қоплаш акциядорлар умумий йиғилиши қарори асосида захира фонди маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

5.3. Дивиденд фойданинг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.

5.4. Жамият молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра жойлаштирилган акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақли.

5.5. Жамиятнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугагандан кейин уч ой ичида қабул қилиниши мумкин.

5.6. Акциялар бўйича дивидендлар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳақида аудиторлик хулосаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Жамият кузатув кенгаши тавсияси асосида акциядорлар умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Дивидендлар тўлаш тўғрисидаги қарорда дивидендлар тўлаш бошланадиган ва тугалланадиган саналар кўрсатилган бўлиши лозим.

5.7. Дивидендлар тўлаш муддати ва тартиби Жамият акциядорлар умумий йиғилиши қарори билан белгиланади. Дивидендлар тўлаш муддати шундай қарор қабул қилинган кундан эътиборан 60 кундан кеч бўлмаслиги лозим.

5.8. Дивидендларни тўлаш чоғида биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича, сўнгра оддий акциялар бўйича дивидендлар тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича қатъий белгиланган дивидендларни тўлаш учун етарли миқдорда фойда мавжуд бўлмаган тақдирда Жамият мазкур акцияларнинг эгаларига дивидендлар тўлашни рад этишга ҳақли эмас. Жамият рад этган тақдирда акциядорлар дивидендлар тўланишини суд тартибида талаб қилиши мумкин. Жамият етарли миқдорда фойдага эга бўлмаган ёки зарар кўриб ишлаётган тақдирда, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар Жамият томонидан Жамиятнинг бунинг учун махсус мўлжалланган фондлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин.

5.9. Жамиятнинг имтиёзли акциялари бўйича акциялар номинал қийматининг 25 (йигирма беш) фоизи миқдоридан дивидендлар тўланади.

5.10. Жамият тугатилаётганда имтиёзли акциялар бўйича тўланадиган қиймат (тугатилиш қиймати) имтиёзли акцияларнинг номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизини ташкил қилади.

5.11. Ўзбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 37-моддасида назарда тутилган ҳолларда имтиёзли акцияларни Жамият томонидан сотиб олиш имтиёзли акциялар номинал қийматининг 100 (бир юз) фоизига тенг нарх бўйича амалга оширилади.

5.12. Жамият:

- жамият устав капиталининг хаммаси унинг таъсис этилиши чоғида тўлиқ тўлаб бўлингунига қадар;

- агар дивидендлар тўланадиган пайтда Жамиятда банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки Жамиятда шундай белгилар дивидендларни тўлаш натижасида пайдо бўлса;

• агар Жамият соф активларининг қиймати унинг устав капитали ва захира фонди суммасидан кам бўлса, акциялар бўйича дивидендлар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳамда дивидендлар тўлашга ҳақли эмас.

Ушбу моддада кўрсатилган ҳолатлар тугатилгач, Жамият ҳисобланган дивидендларни акциядорларга тўлаши шарт.

5.13. Жамият дивидендларнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қилади. Жамият тўланадиган дивидендлар миқдори тўғрисидаги маълумотларни Корпоратив ахборот ягона порталида ва Жамиятнинг расмий веб-сайтида қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда эълон қилади.

VI. ЖАМИЯТНИНГ ЗАХИРА ВА БОШҚА ФОНДЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

6.1. Жамият соф фойдаси ҳисобидан:

- Жамият устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизи миқдорида захира фонди;
- Жамият кузатув кенгаши томонидан аниқланадиган, Жамият фаолияти учун зарур бўлган бошқа фондларни тузишга ҳақли.

6.2. Жамият захира фондига ушбу Уставда белгиланган миқдорга етгунига қадар ҳар йили соф фойдадан 5 фоиз миқдоридан кам бўлмаган ажратмалар ўтказилади.

6.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Жамиятнинг захира фонди Жамиятнинг зарарлари ўрнини қоплаш, Жамиятнинг корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва Жамиятнинг акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

6.4. Жамиятнинг захира фондидан бошқа мақсадлар учун фойдаланиш мумкин эмас.

VII. ЖАМИЯТНИНГ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

7.1. Жамиятнинг бошқарув органлари қуйидагилардан иборат:

- Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
- Кузатув кенгаши;
- Ижроия органи - бошқарув.

Акциядорлар умумий йиғилиши

7.2. Акциядорларнинг умумий йиғилиши жамиятнинг юқори бошқарув органидир.

7.3. Жамият ҳар йили акциядорлар умумий йиғилишини (акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишини) ўтказиши шарт.

7.4. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига қуйидагилар кирилади:

- Жамият уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини тасдиқлаш;

- Жамиятни қайта ташкил этиш;

- Жамиятни тугатиш, тугатувчини (тугатиш комиссиясини) тайинлаш ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;

- Жамият Кузатув кенгашининг сони ва таркибини белгилаш, уларнинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш. Кузатув кенгаши аъзоларига мукофот ва компенсациялар тўлаш;

- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;

- Жамият устав капиталини кўпайтириш ва жамият устав капиталини кўпайтириш билан боғлиқ ўзгартиришларни жамият уставига киритиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг устав капиталини камайитириш;

- ўз акцияларини қайта сотиб олиш;

- Жамиятнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;

- Корпоратив бошқарув кодекси тавсияларига риоя этиш мажбуриятини олиш тўғрисида қарор қабул қилиш ва хабарни ошкор қилиш шаклини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг бошқарув органлари тўғрисидаги, шу жумладан ички назорат, дивиденд сиёсати тўғрисидаги, манфаатлар карама-қаршилиги вақтида ҳаракат қилиш тартиби тўғрисидаги низомларини тасдиқлаш;

- жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларни, шунингдек, уларнинг энг юқори миқдорларини белгилаш. Бунда, ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда;

- мажбурий аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган ҳақ миқдори ва чегарасини белгилаш;

- ҳар йили мустақил профессионал ташкилотлар - маслаҳатчиларни жалб қилган ҳолда

бизнес-жараёнлар ва лойиҳаларнинг Жамиятнинг ривожланиш мақсадларига мувофиқлиги юзасидан таҳлил ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш;

- жамиятнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек жамият фаолиятининг асосий йуналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда жамиятни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;

- Жамиятнинг йиллик ҳисоботини тасдиқлаш;
- Жамиятнинг фойдаси ва зарарларини тақсимлаш;

- электрон почта орқали (электрон рақамли имзо билан тасдиқланган ҳолда), шунингдек, ўз ваколатини вакилга бериш йўли билан овоз бериш ёки умумий йиғилишни видеоконференц-алоқа тарзида ўтказиш тартибини белгилаш (тасдиқлаш);

- ҳомийлик (хайрия) ёки беғараз ёрдам кўрсатиш (олиш) тартиби ва шартларини белгилаш, уларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш. Бунда, ҳомийликка сарфланадиган ҳар йилги харажатлари ўтган йилда олинган соф фойданинг 3 фоизидан ошмаслиги керак ҳамда бу харажатлар бизнес-режанинг ўтган ҳисобот давридаги соф фойдага тааллуқли қисми кўрсаткичлари бажарилганда ҳамда кузатув кенгашининг тегишли тавсияси асосида амалга оширилади (бундан Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларида назарда тутилган ҳоллар мустасно).

- акциядорларнинг умумий йиғилишида ҳисобот берувчи Жамият бошқарув ва назорат органлари маърузалари (ҳисоботлари) шакли ва мазмунига бўлган талабларни, акциядорлар умумий йиғилиши давомийлигини белгилаш;

- Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан жамият кузатув кенгашининг ҳисоботларини эшитиш;

- акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

- Жамиятнинг кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимларни аниқлаш;

- дивидендлар тўлаш ҳақида қарор қабул қилиш, акцияларнинг ҳар бир тоифаси ва тури бўйича дивиденд миқдори, тўлов шакли ва тартибини белгилаш;

- қонунчиликда ва мазкур Уставда кўзда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.5. Агар қабул қилиниши лозим бўлган қарор бўйича қонунчиликка ва ушбу Уставга мувофиқ Жамият кузатув кенгашининг тавсияси ёки кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда маъқулланиши лозим бўлса, бундай қарорлар Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан шундай тавсиялар олингандан сўнг ёки дастлабки тарзда маъқулланганидан сўнг қабул қилинади.

7.6. Жамият акциядорлари умумий йиғилиши томонидан, ҳар йили молия йили тугагандан кейин олти ойдан кечиктирмай, ҳар йили июн ойининг иккинчи ярмида ўтказилади.

Акциядорлар йиллик умумий йиғилишида Жамият кузатув кенгашини сайлаш тўғрисида, бошқарув аъзолари билан тузилган шартноманинг муддатини узайтириш, уни қайта тузиш ёки бекор қилиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар, шунингдек Жамиятнинг йиллик ҳисоботи ва бошқа ҳужжатлари кўриб чиқилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

Акциядорларнинг умумий йиғилишида сайланган кузатув кенгаши аъзоси мазкур йиғилиш баённомасида қайси акциядорнинг вакили эканлиги ёки кузатув кенгашининг қайси аъзоси мустақил аъзо эканлиги кўрсатилиши керак.

7.7. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиш учун берилиши мумкин эмас.

7.8. Акциядорларнинг умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамият кузатув кенгаши ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас, қонун ҳужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

7.9. Акциядорлар умумий йиғилишини ташкиллаштириш ва унинг ваколатига киритилган масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш, қонунчилик ва Жамиятнинг “Акциядорлар умумий йиғилиши тўғрисида”ги Низом билан тартибга солинади.

7.10. Акциядор вакили томонидан акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиши ва кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш тартиби акциядорнинг ўзи билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Жамият кузатув кенгаши

7.11. Жамият жузатув кенгаши Жамият фаолиятига умумий рахбарликни амалга оширади, амалдаги қонунчилик ва Жамият устави билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколат доирасига киритилган масалаларни ҳал этиш бундан мустасно.

7.12. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланадилар. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг сони 7 (етти) кишидан иборат.

7.13. Корпоратив бошқарув кодексида акс эттирилган мустақил аъзо мезонларига мувофиқ бўлган кузатув кенгашининг камида бир нафар (аммо уставда кўзда тутилган кузатув кенгаши аъзолари сонининг 15 фоизидан кам бўлмаган) аъзоси – ягона акциядор томонидан келишилган ҳолда тавсия этилади ва сайланади.

Қуйидагилар кузатув кенгашининг мустақил аъзоси бўлиши мумкин эмас:

сўнгги уч йил ичида жамиятда ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларида ишлаган шахс;
жамият овоз берувчи акцияларининг беш ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи (тўғридан-тўғри ва (ёки) аффилиланган шахслар орқали) акциядор;

жамиятнинг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсининг йирик мижози ва (ёки) йирик етказиб берувчиси билан фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларда бўлган шахс. Бунда қайси шахслар билан базавий ҳисоблаш миқдорининг икки минг бараваридан кўп бўлган суммага тенг амалдаги шартнома мавжуд бўлса, ўша шахслар йирик мижоз ва йирик етказиб берувчи деб эътироф этилади;
сўнгги уч йил ичида жамиятга ва (ёки) жамиятнинг аффилиланган шахсларига аудиторлик хизматларини кўрсатган аудиторлик ташкилотининг ходими;

кетма-кет олти йил давомида жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига кирган шахс;

жамият ва (ёки) унинг аффилиланган шахслари билан бирор-бир келишувга эга бўлган шахс, бундан кузатув кенгаши аъзосининг вазибалари ва функциялари бажарилишини таъминлаш билан боғлиқ бўлган келишувлар мустасно;

жамиятнинг бошқарув ва ички назорат органларининг ва (ёки) унинг аффилиланган шахсларининг аъзоси бўлган шахсининг ёки сўнгги уч йил ичида уларга аъзо бўлган шахсининг яқин қариндоши ёки қуда томондан қариндоши (ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари, ўғиллари, қизлари, эри (хотини), шунингдек эрининг (хотинининг) ота-онаси, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) бўлган шахс;

давлат бошқаруви органининг ёки давлат корхонасининг ходими бўлган шахс;

жамиятнинг уставида ёки акциядорлар умумий йиғилишининг қарорлари билан тасдиқланган ҳужжатларда белгиланган талабларга мувофиқ бўлмаган шахс.

Жамият жамиятнинг кузатув кенгаши таркибига сайланган мустақил аъзоларнинг реестрини юритади ва уни ўз расмий веб-сайтида эълон қилади.

Жамият кузатув кенгаши мустақил аъзоларининг реестрини юритиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланади.

Жамият кузатув кенгашининг мустақил аъзоси кузатув кенгашининг бошқа аъзолари билан бир қаторда ушбу Уставда белгиланган тенг ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлади.

7.14. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият фаолиятининг устувор йўналишларини белгилаш;
- акциядорлар умумий йиғилишининг кун тартибини тайёрлаш ва ўтказиладиган сана, вақт ва жойни белгилаш;
- акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш ва йиғилишда иштирок этиш учун жамият акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- акциялар чиқариш тўғрисидаги қарор ва эмиссия рисоласини тасдиқлаш;
- **акцияларни жойлаштириш (ташкил этилган қимматли қоғозлар савдоларига чиқариш) нархини белгилаш;**
- қимматли қоғозлар (акциялар, облигациялар) ва эмиссия рисоласини чиқариш ҳақидаги қарорга ўзгартиш ва (ёки) қўшимчалар киритиш ҳамда рисола матнини тасдиқлаш;
- Жамият томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамиятнинг корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
- Жамият ижроия органини тузиш, бошқарув раиси ва бошқарув аъзоларини лавозимга сайлаш (тайинлаш), уларнинг ваколатларини муддатидан олдин тугатиш, ижроия органининг фаолияти тартибини белгилаб берувчи Низомни тасдиқлаш. Бунда, ижроия органи раисини (бошқарув раиси, директори) ва коллегиял ижроия органи (бошқарув, дирекция) аъзоларини иш

билан таъминлаш учун Жамият номидан уч йил муддатга меҳнат шартномасини тузиш. Бунда, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилинади;

• жамият ижро органи раҳбарига хусусийлаштириш жараёнларини, шу жумладан акцияларни оммавий жойлаштиришни (IPO) сифатли ва белгиланган муддатларда амалга оширганлиги учун алоҳида мукофот (ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари) ёки амалга оширмаганлик учун жавобгарлик чораларини белгилаш;

• Жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш;

• Жамият ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, шунингдек, ҳар чорақда унинг ҳисоботларини эшитиб бориш;

• Жамият ижроия органининг фаолиятига дахлдор ҳар қандай ҳужжатлардан эркин фойдаланиш ва Жамият кузатув кенгаши зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун бу ҳужжатларни ижроия органидан олиш. Жамият кузатув кенгаши ва унинг аъзолари олинган ҳужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;

• аудиторлик текширувини ўтказиш (мажбурий аудиторлик текшируви бундан мустасно), аудиторлик ташкилотини белгилаш, унинг хизматларига тўланадиган энг кўп ҳақ миқдори ва у билан шартнома тузиш (шартномани бекор қилиш) тўғрисида қарор қабул қилиш;

• дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;

• қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш (йирик битим тузиш масаласи бўйича Жамият кузатув кенгашининг яқдиллигига эришилмаган тақдирда йирик битим тузиш тўғрисидаги масала кенгашнинг қарорига кўра акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳал қилиш учун олиб чиқиши мумкин);

• қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда Жамиятнинг аффилиланган шахслари билан битимлар тузиш ҳақида қарор қабул қилиш;

• Жамиятнинг тижорат ва нотижорат ташкилотлардаги иштироки билан боғлиқ битимларни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузиш;

• Жамиятнинг филиаллари, ваколатхоналари, шўъба ва тобе корхоналарини ташкил этиш ва тугатиш;

• ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан Жамиятни бошқаришга доир қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ички аудит хизматининг хулосаларини эшитиш;

• Жамиятнинг ижроия органига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсациялар миқдорларини белгилаш, шунингдек, кўрсатилган тўловларнинг чегараси миқдорини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 28 июлдаги 207-сонли қарори билан тасдиқланган “Давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари ва бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини жорий этиш тўғрисида”ги қарори билан белгиланган самарадорликнинг муҳим кўрсаткичларига боғлаган ҳолда белгилаш. Бунда, ижро органи аъзоларига ойлик иш ҳақи ва йил якунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлардан ташқари ҳар қандай кўшимча тўлов турлари бекор қилинган ҳолда.

Шунингдек, давлат иштирокидаги корхоналарнинг фаолияти тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларида белгиланган маълумот «Давлат мулки» ахборот тизимига ўз вақтида тақдим этилмаганда ижроия органи раҳбарлари рағбатлантирилишига йўл қўйилмайди.

• агар акциядорлар умумий йиғилиши қарорига мувофиқ бундай ҳуқуқ унга берилган бўлса, жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш масалаларини, шунингдек жамият уставига жамиятнинг устав фондини (устав капиталини) кўпайтириш ҳамда жамиятнинг эълон қилинган акциялари сонини камайтириш билан боғлиқ ўзгартиш ва кўшимчалар киритиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш;

• Жамият томонидан асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк объектларини сотиб олиш ёки куриш ҳамда хўжалик жамиятлари устав капиталдаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятдан ташқари кўшимча фаолият билан шуғулланиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

• Жамиятнинг асосий (уставдаги) фаолияти билан боғлиқ ва боғлиқ бўлмаган шўъба хўжалик жамиятлари ҳамда филиаллари (ваколатхоналари) фаолияти тўғрисида ҳисоботларни ҳар чорақда кўриб чиқиш;

• Жамият томонидан амалга ошириладиган харидлар тўғрисидаги ҳисоботни ҳар чорақда кўриб чиқиш;

• Бошқарув раисининг трансформация бўйича биринчи ўринбосари ва унга ҳисобдор лойиҳа офисининг харажатлар сметасини тасдиқлаш;

• Жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган йиллик бизнес-режасини ҳисобот (жорий)

йилнинг 1 декабригача тасдиқлаш;

- Жамиятнинг захира фондидан ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- мулкни бегоналаштириш, уни сотиш шакли ва механизми, жамият устав капиталига ва жамият таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларни (*битим, шартнома, меморандум ва бошқалар*) келишиш;

- кузатув кенгаши қошида Кузатув кенгаши, ижроия органлари аъзолари, Жамият ходимлари ва жалб этилган экспертлар (тегишли соҳа мутахассислари, соҳа олий таълим муассасалари ўқитувчилари ва бошқалар)дан иборат тегишли масалалар, шу жумладан, низоли вазиятларни аниқлаш ва ҳал этиш, шунингдек аудит бўйича қўмита, тайинлаш ва рағбатлантириш бўйича қўмита ҳамда зарурат бўлганда эса, бошқа қўмиталарни ва/ёки ишчи гуруҳларни ташкил этиш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларни ҳал этиш.

7.15. Жамият кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалар Жамиятнинг ижроия органи ҳал қилиши учун берилиши мумкин эмас.

7.16. Жамият кузатув кенгашининг мажлислари Жамият кузатув кенгашининг раиси томонидан унинг ўз ташаббусига кўра, жамият кузатув кенгаши, бошқарув раиси ва ички аудит хизмати бошлиғи талабига кўра чақирилади.

Жамият овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 фоизига эгалик қилувчи оддий акциялари эгалари (агар мавжуд бўлса) Жамиятнинг молия йили тугаганидан кейин 90 кундан кечиктирмай кузатув кенгаши мажлисини чақиришни талаб қилиш ва акциядорлар умумий йиғилиши кун тартиби юзасидан таклиф киритиш ҳамда жамият кузатув кенгашига бу органнинг микдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эга.

7.17. Жамият кузатув кенгашининг мажлисини ўтказиш учун кворум Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг камида 75 (етмиш беш) фоизидан кам бўлмаслиги керак.

7.18. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида қарорлар, мажлисда ҳозир бўлганларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади, мазкур уставнинг 7.18-бандида кўрсатилган масалалар бундан мустасно. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида масалалар ҳал этилаётганда Жамият кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси битта овозга эга бўлади.

7.19. Қуйидаги масалалар бўйича қарор Жамият кузатув кенгаши томонидан бир овоздан қабул қилинади:

- йирик битам ва аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисидаги қарорлар;
- Жамият кузатув кенгаши томонидан сиртдан овоз бериш йўли билан (сўров йўли билан) қарорлар қабул қилинганда, **бундан ҳар чоракда ижро органининг ҳисоботини эшитиш бўйича Жамият Кузатув кенгаши аъзоларининг шахсан иштирокида ўтказиладиган кузатув кенгаши мажлислари мустасно.**

7.20. Жамият кузатув кенгашининг бир аъзоси ўз овозини Жамият Кузатув кенгашининг бошқа аъзосига беришига йўл қўйилмайди.

7.21. Жамият кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари тенг бўлган тақдирда кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишда Жамият кузатув кенгаши раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳуқуқига эга.

7.22. Жамият кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлис ўтказилганидан сўнг ўн кундан кечиктирилмай тузилади.

7.23. Мажлис баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

- мажлис ўтказилган сана, вақт ва жой;
- мажлисда ҳозир бўлган шахслар;
- мажлиснинг кун тартиби;
- овоз беришга қўйилган масалалар, улар юзасидан ўтказилган овоз бериш яқунлари;
- қабул қилинган қарорлар.

7.24. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этган кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади.

7.25. Жамият кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни Жамиятнинг ижроия органига ижро этиш учун топширилади.

7.26. Агар, Жамият кузатув кенгашининг қарорлари қонунчиликка ёки Жамият уставига зид бўлса, бу қарорлар устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

7.27. Жамият кузатув кенгашининг фаолият олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни, ушбу Устав ва Жамиятнинг ички ҳужжатлари билан белгиланади.

7.28. Жамият кузатув кенгаши ваколатига киритилган масалалар ҳал қилиш учун Жамият

ижроия органига берилиши мумкин эмас.

Жамиятнинг ижроия органи - Бошқарув

7.29. Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик Бошқарув ва унинг раиси томонидан амалга оширилади. Бошқарув ваколатига Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашининг ваколатларига киритилган масалалар бундан мустасно.

7.30. Жамият кузатув кенгаши аъзолари Бошқарув аъзолари бўла олмайдилар.

7.31. Жамият Бошқаруви 5 аъзодан, шу жумладан раис ва унинг 4 ўринбосаридан иборат бўлиб, улар лавозимларга Жамият акциядорлар умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгаши қарорлари билан уч йил муддатга сайланадилар. Жамият Бошқаруви аъзоларини тайинлаш тўғрисидаги қарор, одатда, хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида қабул қилинади.

Бошқарув раиси сифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига икки муддатдан ортиқ ижро органи раҳбари бўлиши мумкин эмас.

7.32. Жамиятнинг Бошқаруви аъзолари электр энергетика соҳасида, шу жумладан электр тармоқлари тизимини бошқариш соҳасида малака ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

7.33. Бошқарув ишига раҳбарликни Бошқарув раиси амалга оширади ва ўз ваколатлари доирасида жамият номидан ишончномасиз иш кўришга ҳақлидир.

7.34. Бошқарув раисининг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида ишончнома асосида жамият номидан иш кўришга ҳақлидирлар.

7.35. Жамият Бошқарувининг ваколат доирасига қуйидагилар киради:

- Жамият акциядолари умумий йиғилишининг ва кузатув кенгашининг ваколатига кирувчи масалалардан ташқари, жамият фаолиятининг барча масалаларини ҳал қилиш;

- Жамият томонидан мол-мулкни олиш ёки уни бошқа шахсга бериш ёхуд мол-мулкни бошқа шахсга бериш эҳтимоли билан боғлиқ битим ёки ўзаро боғланган бир нечта битимлар бўйича қарор қабул қилиш, агар бошқа шахсга берилаётган ёки олинаётган мол-мулкнинг баланс қиймати бундай битимларни тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилинаётганда жамият соф активлари миқдорининг 15 фоизигачасини ташкил этса, акцияларни ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш билан боғлиқ бўлган битимлар бундан мустасно;

- шўъба корхоналарнинг, филиалларнинг ташкилий тузилмасини ва ходимларининг меъёрий сонини тасдиқлаш;

- жамият ходимларининг меҳнат ҳақини Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, меҳнат ҳақи тўлашга тегишли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, жамоа шартномаси (битими) ва жамиятда амал қилувчи бошқа ҳужжатларга ҳамда ходим ва иш берувчи орасида тузилган шартномага мувофиқ, соҳа тариф сеткаси асосида белгилаш.

7.36. Жамият Бошқаруви раиси ваколатларига қуйидагилар киради:

- жамият акциядолари умумий йиғилиши ва Кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган қарорлар ижросини ташкил этиш;

- мазкур Устав ва жамиятнинг Ижроия органи тўғрисидаги низомига асосан унга берилган ваколатлар доирасида Жамиятнинг ишига раҳбарлик қилиш;

- ишчи ва ходимларга иш ҳақи ва мукофотлар миқдорини белгилаш;

- Жамият номидан ишончномасиз иш юритиш ва унинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

- Жамият номидан кундалик хўжалик фаолиятини юритиш жараёнида тузиладиган битимлар тузиш;

- Жамиятнинг филиали ёки ваколатхонаси раҳбарини тайинлаш ва лавозимидан озод қилиш;

- ходимлар штатларини тасдиқлаш, ходимларни (ишчиларни) ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, ходимлар томонидан меҳнат ва ижро интизомига риоя қилинишини таъминлаш;

- Жамият номидан амалдаги қонунчиликка асосан ишончномаларни бериш;

- Жамиятнинг барча ходимлари томонидан бажарилиши мажбурий бўлган буйруқ ва фармойишлар чиқариш ва кўрсатмалар бериш;

- ўз ваколатлари доирасида Жамиятнинг самарали ва барқарор ишлашини таъминлаган ҳолда унинг жорий фаолиятига раҳбарлик қилиш;

- Жамиятда бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш, шу жумладан эълон қилиш мақсадида Молиявий ҳисоботлар халқаро стандартларига трансформациясини таъминлаш;

- қонун ҳужжатларига мувофиқ Жамият фаолиятига доир маълумотларни ошкор қилиш;

- йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида тақдим этилишини, шунингдек акциядорларга, кредиторларга ва бошқа олувчиларга юбориладиган Жамият фаолияти тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилишини таъминлаш;

- Жамият архиви ишини ташкил этиш ва ундаги ҳужжатлар бутлигини таъминлаш;

- амалдаги қонун ҳужжатларига ҳамда Жамият ички ҳужжатларига риоя қилиш;

• амалдаги қонун ҳужжатлари билан таъқиқланмаган бошқа ваколатлар ҳам берилиши мумкин.

7.37. Бошқарув камида бир ойда бир марта йиғилади. Бошқарув мажлисида Бошқарув аъзоларининг камида 60 (олтмиш) фоизи қатнашганда, Бошқарув мажлиси ваколатли ҳисобланади. Бошқарув мажлисида баённома юритилади, у Бошқарув раиси томонидан, раис узурли сабабларга кўра иштирок этмаган тақдирда мажлисга раислик қилган шахс томонидан имзоланади.

7.38. Бошқарув ўз аъзоларининг кўпчилиги овози билан қарорлар қабул қилади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда раиснинг овози ҳал қилувчи бўлиб ҳисобланади.

7.39. Бошқарув Жамиятга нисбатан қонунчилик ва ушбу устав томонидан, шунингдек Жамият кузатув кенгаши томонидан ўрнатилган барча талабларга риоя қилиши шарт.

7.40. Бошқарув раиси ва аъзоларини лавозимларидан озод қилиш Жамият кузатув кенгаши қарори ва (ёки) акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари билан амалга оширилади.

7.41. Жамият кузатув кенгашининг аъзолари, жамият бошқарув раиси ва бошқаруви аъзолари, шунингдек ишончли бошқарувчи ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда жамиятнинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши ҳамда белгиланган тартибда жавобгар бўлиши лозим.

7.42. Агар бошқарувнинг бир неча аъзолари жавобгар деб топилса, улар жамият олдида солидар жавобгар бўлади.

7.43. Жамиятга зарар етказилишига сабаб бўлган қарорга овоз беришда иштирок этмаган ёки ушбу қарорга қарши овоз берган жамият бошқарув аъзолари жавобгар булмайди.

7.44. Жамият ёки у жойлаштирган акцияларнинг хаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) жамиятга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи устидан судга мурожаат қилишга ҳақли.

7.45. Суд жамиятнинг кузатув кенгаши аъзосини, бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзосини жамиятга мулкий зарар етказганликда айбдор деб топган тақдирда, ушбу аъзонинг, бошқарув раисининг ёки бошқарув аъзосининг ваколатлари суднинг қарорига кўра, уларнинг хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаши тақиқланган ҳолда, бир йилдан кам бўлмаган муддатга тугатилиши мумкин.

7.46. Жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси, бошқарув раиси ёки бошқаруви аъзоси, шунингдек ишончли бошқарувчи жамиятга чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлиги ёхуд ўзлари ёки ўз аффилиланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида йирик битим тузишни ва (ёки) йирик битим тузиш ва (ёки) аффилиланган шахслар билан битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилишни таклиф этганлиги натижасида етказилган зарар учун жавобгарликка тортилиши мумкин.

7.47. Жамиятнинг шўъба корхоналари, филиалларини молиявий-хўжалик фаолиятига шўъба корхона, филиал биринчи раҳбарлари ва бош ҳисобчилари (жавобгар) маъсулдирлар.

7.48. Жамиятнинг ижро этувчи органи томонидан йирик битим ёки аффилиланган шахслар билан битим тузиш тартиби бузилганлиги натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ва бунда жамият директорининг ёки коллегиял ижро этувчи органининг айби исботланса, жамиятнинг кредиторлар олдидаги қарздорлигини қоплаш учун унинг мол-мулки етарли бўлмаган тақдирда жамиятнинг мажбуриятлари бўйича субсидиялар жавобгар бўлади.

7.49. **Бошқарув раиси ва ўринбосарларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) натижасида корхона манфаатларига етказилган ҳар қандай зарар, зиён, уларнинг оқибатида юзага келувчи жарима, пеня ва бошқа мажбурий тўловлар учун ушбу шахсларнинг субсидиялар жавобгарлиги улар билан тузиладиган меҳнат шартномаларида кўзда тутилади.**

VIII. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ИАЗОРАТ ҚИЛИШ

Ички аудит хизмати

8.1. Жамият ички аудит хизмати жамият Кузатув кенгашига ва кузатув кенгаши қошидаги аудит кўмитсига ҳисобдордир.

8.2. Жамиятнинг ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари томонидан қонун ҳужжатларига, жамият уставига ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисобида ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда ишончли тарзда акс эттирилиши таъминланишини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақланишини, шунингдек Жамиятни бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ҳамда мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, филиаллари ва ваколатхоналари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Шунингдек, Ички аудит хизмати жамиятдаги ички назоратни, шу жумладан, 50 фоиздан зиёд улуши Жамиятга тегишли бўлган юридик шахслар билан ўтказилган операциялар устидан назоратни амалга оширади.

8.3. Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Жамият Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит амалга оширилиши натижалари бўйича жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарув органига тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

8.4. Куйидагилар ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

• ҳар йили Жамият Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ текширишлар ўтказиш йўли билан ички аудитни амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

• тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонун ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

• бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда корхонанинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

• техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда жамиятнинг кузатувчи кузатув кенгашига кўмаклашиш.

8.5. Жамиятнинг ички аудит хизмати:

• тасдиқланган бизнес-режа бажарилишини;

• корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

• бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

• солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

• молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларига риоя этилишини;

• активларнинг ҳолатини;

• ички назоратнинг ҳолатини текширади ва уларнинг мониторингини олиб боради.

8.6. Жамиятнинг ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга ҳамда Жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган низомга мувофиқ амалга оширади.

Аудиторлик ташкилоти

8.7. Акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига асосан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш учун танлов асосида аудиторлик ташкилоти жалб этилади.

8.8. Жамиятнинг йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш халқаро аудиторлик тармоқларига ва халқаро уюшмаларига аъзо бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.

8.9. Аудиторлик ташкилоти жамият билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жамият молия-хўжалик фаолиятининг текширилишини амалга оширади ва аудиторлик хулосасини тақдим этади.

8.10. Аудиторлик ташкилоти жамиятнинг молиявий ҳисоботи ва жамият фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хулосаси оқибатида етказилган зарар учун Жамият олдида жавобгар бўлади.

8.11. Жамият овоз берувчи акцияларининг камида беш фоизига эгаллик қилувчи акциядор (акциядорлар) асослар бўлган тақдирда, Жамият Кузатув кенгашини бу ҳақда олдиндан хабардор қилган ҳолда Жамият фаолиятини текшириш учун Жамият ҳисобидан ташқи аудит ўтказишни ташаббус қилиш ҳуқуқига эга.

8.12. Жамиятнинг беш фоиздан кам бўлмаган овоз берувчи акцияларига эгаллик қилувчи акциядор аффилиланган шахс билан тузилган қайси битим натижасида жамиятга зарар етказилган бўлса ёхуд ушбу битим тузилганлиги оқибатида келгусида зарар етказилиши мумкин бўлса, ўша битимни тузишга доир талаблар бузилишининг мавжуд белгиларини ўрганиш учун мустақил равишда аудиторлик ташкилотини жалб этишга ҳақли. Суд томонидан битим тузишга доир талаблар бузилганлиги факти аниқланган тақдирда, жамият суднинг қарори қонуний кучга кирган пайтдан эътиборан бир ой муддатда акциядорнинг аудиторлик ташкилотини жалб этишга доир харажатларининг ўрнини мазкур хизматларнинг бозор қийматидан кўп бўлмаган миқдорда қоплаши шарт.

IX. КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ

9.1. Жамият кузатув кенгашига ҳисобдор бўлган ва корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини жамият корпоратив маслаҳатчиси бажаради.

9.2. Жамият корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти “Корпоратив бошқарув Кодекси” ва жамият кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган “Корпоратив маслаҳатчи тўғрисида”ги Низом асосида амалга оширилади.

Х. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Жамият Бошқаруви ўз ваколатлари доирасида мазкур уставга киритиладиган барча ўзгартириш, қўшимчаларни ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини Ўзбекистон Республикасининг тегишли давлат органида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказди.

10.2. Жамият уставига киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар ёки Жамиятнинг янги таҳрирдаги уставини учинчи шахслар учун улар давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб, қонунчиликда белгиланган ҳолларда эса давлат рўйхатидан ўтказувчи орган хабардор этилган пайтдан эътиборан кучга киради.

10.3. Агар мазкур уставни бирон бир қоидаси ўз кучини йўқотган бўлса, бу қоида бошқа қоидаларни тўхтатиш учун сабаб бўлмайди.

10.4. Агар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида мазкур уставда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик ҳужжатлари қоидалари қўлланилади.

10.5. Устав бўйича келиб чиқадиган барча низо ва келишмовчиликлар акциядорларнинг ўзаро келишуви йўли билан амалдаги қонун ҳужжатлари ва ушбу уставга асосан ҳал қилинади. Низо ва келишмовчиликларни музокаралар йўли билан ҳал қилиш имконияти бўлмаган тақдирда улар тегишли равишда суд орқали ҳал қилинади.

10.6. Мазкур Устав ва унинг киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат рўйхатига олинган вақтдан бошлаб кучга киради.

“Иссиқлик электр станциялари” АЖ
Бошқарув раиси



Б. Жураев